



A CRIMINOLOGICAL DESCRIPTION OF YOUTH COMMITTING CYBERCRIME

Jasurbek Kosimjanovich Umurzakov

Prosecutor of Oltinkol district of Andijan region

umurzakov.jasur@bk.ru

Andijan, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: cybercrime, information and communication technologies, liability, cyber-attack, fraud, money laundering, copyright, cyber-attack, rule of law, legal effect, legal regulation, law enforcement.

Received: 02.09.25

Accepted: 03.09.25

Published: 04.09.25

Abstract: This article focuses on the description of cybercrime among young people, the improvement of criminal prosecution and liability for various crimes committed using the latest information technologies, as well as the state and prospects for the development of the fight against cybercrime.

КИБЕРЖИНОЯТ СОДИР ҚИЛАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Жасурбек Қосимжанович Умурзақов

Андижон вилояти Олтинкўл тумани прокурори

umurzakov.jasur@bk.ru

Андижон, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: кибержиноят, ахборот-коммуникация технологиялар, жавобгарлик, киберхужум, фирибгарлик, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, муаллифлик ҳуқуқи, қонун устуворлиги, ҳуқуқий таъсир, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш.

Аннотация: Ушбу мақолада ёшлар ўртасида содир бўлаётган кибержиноятларнинг тавсифи, энг янги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган турли жиноятлар учун жиноий тақиб ва жавобгарликни такомиллаштириш, шуниндек, кибержиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболларига бағишланган.

КРИМИНОЛОГИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ КИБЕРПРЕСТУПНОСТИ СРЕДИ МОЛОДЁЖИ

Жасурбек Косимжанович Умурзаков

Прокурор Олтинкульского района Андижанской области

umurzakov.jasur@bk.ru

Андижан, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: киберпреступность, мошенничество, отмывание денег, авторское право, действие права, законность, правоприменение, верховенство закона, правоохранительные органы, правового регулирования, правовое воздействие, правового государства.

Аннотация: В данной статье основное внимание уделяется описанию киберпреступности среди молодёжи, совершенствованию уголовного преследования и ответственности за различные преступления, совершенные с использованием новейших информационных технологий, а также состояние и перспективы развития борьбы с киберпреступностью.

Криминология фанининг муҳим масалаларидан бири бу жиноятчи шахсидир. Криминологияда жиноятчи шахси деганда шахсининг жиноят содир этиш сабаблари ва шарт-шароитлари сифатида намоён бўладиган ижтимоий-психологик хусусиятлари ва сифатларининг мажмуаси ҳисобланади. Криминологияда бир қанча илмий мактаблар, йўналишлар мавжуд бўлиб, қайси илмий мактабга мансуб бўлишидан қатъи назар, криминолог олимлар жиноят содир этган инсон билан боғлиқ масалаларни четлаб ўта олмайди.

Жиноятчи шахсига хос, фақат унга тегишли бўлган махсус жиҳатлар мавжудми, жиноятчи жиноят содир этмаган шахсдан нимаси билан фарқ қилади деган масалалар криминологияда баҳсларга сабаб бўладиган масала ҳисобланади.

Криминолог олим Қ.Р.Абдурасулова тўғри таъкидлаганидек, “Жиноятчи шахси – аввало жиноят субъектининг шахсидир. Жиноят қонунчилигига биноан жиноят субъекти уни айнан субъект деб топиш учун зарур кўрсаткичларга эга бўлиши лозим. Бундай кўрсаткичлар учта: жисмоний шахс (жаҳоннинг баъзи бир мамлакатларида юридик шахсларни ҳам жиноят субъекти деб топиш имконияти назарда тутилганки, бунга қўшилиш қийин), шахсининг муайян ёшга тўлганлиги (МДХнинг бир қанча мамлакатлари қонунчилигига кўра 14, 16, 18 ёш, жаҳоннинг баъзи бир мамлакатлари жиноят кодексларига биноан эса – бундан ҳам кичикроқ ёш) ва ақли расолик”[1].

Олим ўз фикрларини давом эттирар экан, жиноят субъектининг шахси уч даражада: жиноятчи шахси умумий тушунчаси нуктаи назаридан, ҳар хил тоифага мансуб жиноятчиларнинг белгиларини аниқлаш нуктаи назаридан ва муайян жиноят содир этган шахс даражасида ўрганилиши лозимлигини таъкидлайди. Биз ҳам ушбу фикрларга

кўшилган ҳолларда ҳозирги вақтда дунёда ушбу масалага нисбатан айрим ёндашувларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Джонс, Шейн Э. и Миллер, Джошуа Д. и Линам, Дональд Р. лар жиноятчи шахсига нисбатан метамаълумотлар таҳлили асосида шахс хусусиятларининг жиноятчилик ва ғайриижтимоий хулқ билан боғлиқлигини кенг таҳлил қилишган[2]. Улар криминологияда шахс хусусиятларига етарлича эътибор берилмаётганини қайд этар экан, уларнинг жиноятчиликни англашда муҳим ўрин тутишини асослаб берганлар. Тадқиқотларда шахснинг умумий ва барқарор хусусиятлари - фикрлаш, ҳис қилиш ва ҳаракат қилиш усуллари - антисоциал хатти-ҳаракатларнинг барқарорлиги ва меросий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ экани кўрсатилган.

Улар шахснинг “Катта бешлик” (FFM) модели доирасидаги хусусиятлари (невротизм (асабийлик, эмоционал барқарор бўлмаган), экстраверсия (шахснинг ташқи олам учун ўзини кўрсатиши), очиклик, келишувчанлик ва виждонлилик) ғайриижтимоий хулқ билан қандай боғлиқлигини очиб беришга ҳаракат қилишган. Шунингдек, юқори даражадаги импульсивлик, паст келишувчанлик ва виждонлилик жиноятга мойилликни ошириши таъкидланган. Фаолиятда фақат кенг доирадаги хусусиятлар эмас, балки уларни ташкил этувчи куйи даражали “фасет”лар (масалан, невротиизмдаги қаҳрлилик, виждонлиликдаги импульсивлик) ҳам муҳим экани қайд этилган.

Муаллифлар шахс хусусиятларини антисоциал хулқни ўрганишга жалб қилиш криминологияда янги тушунчалар беришини, айрим ҳолларда эса классик назариялардан самаралироқ изоҳ тақдим этишини таъкидлайдилар. Шахс хусусиятлари орқали стресс, салбий муҳит ёки девиант тенгдошлар таъсирига турлича муносабатларни изоҳлаш мумкинлигини таъкидлашган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шахснинг кенг ва куйи даражали хусусиятларини (FFM домен ва фасетларини) ғайри ижтимоий хулқ билан боғлаб ўрганиш жиноятчилик сабабларини чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Албатта юқоридаги хулосаларнинг барчасига ҳам кўшилиб бўлмайди, чунки виждонлилик ҳам жиноятга мойиллик бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хулоса тўғри эмас, деб ҳисоблаймиз.

Хурезан, Л., Тури, А., Ион, А. ва бошқалар. шахсият қора ва ёрқин хусусиятлари жиноий хулқ-атвор ва рецидивизмни башорат қилувчи омиллар сифатида деб номланган мақоласида шахс хусусиятларининг “ёруғ” (Bright) ва “қоронғи” (Dark) профиллари жиноятчилик ва қайта жиноятга қайтиш (рецидив) билан боғлиқлигини тадқиқ этишган. Тадқиқот Руминиядаги юқори хавфли турмалардаги маҳкумлар (N=296) ва жиноят содир этмаган назорат гуруҳи (N=282) иштирокида амалга оширилган[3].

Бунда улар катта бешлик (FFM) хусусиятлари — невротизм, экстраверсия, очиклик, келишувчанлик ва виждонлилик таҳлил қилиш билан биргаликда, “Қоронғи омили” (Dark Factor) ва унинг беш мавзуси (бепарволик, алдамчилик, нарциссистик талабчанлик, садизм ва ўч олишга интилиш)нинг жиноий хулқ билан боғлиқлигини ўрганишган.

Тадқиқот натижаси сифатида улар қуйидагиларни илгари суришган:

невротизм юқори бўлган шахсларда ҳам биринчи марта жиноят содир этиш, ҳам рецидив хавфи ошиши аниқланган:

экстраверсия пастлиги жиноятга мойиллик билан боғлиқ бўлиб, маҳкумларда ижтимоий фаоллик ва ижобий ҳис-туйғулар камроқ кузатилган;

очиклик (Openness) биринчи марта жиноят содир этганларда юқори бўлиб, улар хавфли ва янги тажрибаларга мойил экани қайд этилган;

“Қоронғи омил” умумий жиноятчиликни прогноз қилишда аҳамиятли бўлса-да, рецидивни олдиндан айтиб беришда самарасиз экани кўрсатилди.

Қоронғи мавзулардан алдамчилик (Deceitfulness) ва садизм (Sadism) биринчи марта жиноят содир этишда муҳим рол ўйнаган; айниқса алдамчилик рецидив билан ҳам боғлиқ экани аниқланган. Тадқиқот натижаларига кўра, шахснинг “ёруғ” ва “қоронғи” хусусиятларини биргаликда таҳлил қилиш жиноятчиликни англаш ва унинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Бу муаллифлар фикрига қўшилган ҳолда, ҳақиқатда ҳам экстравертликка мойил эмаслик, яъни бошқалардан ўзини тортиб туриш, кўпчиликка қўшила олмаслик каби ҳолатлар кўпинча зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларга мойилликни шакллантириши суд амалиёти, психологлар томонидан исботланган.

Бадер М., Лиллехолт Л., Шильд К., Хильбиг Б.Э., Мосхаген М., Цеттлер И. лар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахслар билан ўтказган тадқиқотларида[4] 14296 нафар судланган шахсларни ўрганиш натижаларини Данияда сўнгги 41 йил давомидаги суд ҳукмларига боғлаган ҳолда таҳлил қилишган. Бунда улар жиноятчи шахсини криминологиядаги ўз-ўзини назорат қилиш/жиноятларнинг умумий назарияси, вазиятга боғлиқ ҳаракат қилиш назарияси ва умумий зўриқиш назарияси кесимида ўрганишган. Тадқиқот натижаларига кўра, улар ҳалоллик, камтарлик, мулойимлик, виждонлилик каби хусусиятларга эга шахслар камроқ жиноят содир қилишларини аниқлашган. Шу билан биргаликда, жинс, ёш, таълим даражаси, даромад миқдори ҳам шахснинг жиноят содир қилишига таъсир қилишини кўрсатиб ўтганлар.

Александр Т. Вазони, Якуб Микуша, Эрин Л. Келлилар 2000–2010 йилларда чоп этилган илмий тадқиқотлар асосида ўзини-ўзи назорат қилиш назарияси (self-control theory) ва унинг жиноят ҳамда девиант хулқ билан боғлиқлигини ўрганишган[5]. Бунда, 99 та

тадқиқот таҳлил қилинган. Натижада ўз-ўзини назорат қилиш даражаси ва девиант хулқ ўртасидаги таъсирга оид қарашлар ўз тасдиғини топган, ёшлар ўртасида бундай боғлиқлик катталарга нисбатан кучлироқ эканлиги кузатилган, эркакларда ҳам бу боғлиқлик юқорирроқ эканлиги аниқланган. Натижада муаллифлар, ўзини-ўзи назорат қилишнинг тарбия жараёнида шаклланиши, унинг мослашувчанлиги ва генетик асослари масаласи жиноятчиликнинг олдини олиш сиёсатини белгилашда муҳим аҳамият касб этиши ҳақида хулосага келишган.

Шунингдек, Брайанна Фокс, Мэтт ДеЛизилар психопат қотиллар шахсини[6], Роберт Эме эса, ғайри ижтимоий хулқ-атвор шаклланган шахслар ёшлигидан то умрининг охирига қадар жиноят содир қилишга мойиллиги сақланиб қолишини кўрсатиб ўтган[7], Кляйневизе, Дж. вазиятларнинг алоҳида шахсларнинг жиноят содир этишига ҳамда гуруҳ бўлиб жиноят содир этишига таъсирини[8] ўрганишган ва бундай ҳолатларнинг жиноятчи шахсида қандай акс этишини тадқиқ қилишган.

Юқоридаги келтириб ўтилган ғарблик олимлар жиноятчи шахси шаклланишида айнан шахснинг ўзига боғлиқ ҳолатларга урғу беришган бўлишсада, шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи оилавий муносабатлар, жамоатчилик таъсири каби ҳолатларга етарли эътибор қаратишмаган. Шу сабабдан ҳам уларнинг тадқиқотлари натижаларига тўлиқ қўшила олмаймиз, чунки бизнинг менталитетда оила, маҳалла, жамиятнинг шахс шаклланишидаги ўрни катта бўлиб, жиноятчилик масаласида албатта бу омилларга эътибор қаратиш лозим.

Миллий олимларимиздан Қ.Р.Абдурасулова[9] ва А.Т.Холовлар[10] вояга етмаганлар жиноятчилигини тадқиқ қилиш асосида жиноятчи шахси шаклланишида, уларнинг жиноят содир этишларини олдини олишда оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳамкорлигини таъминлаш, жамоатчиликнинг роли масалаларига алоҳида эътибор қаратишни таклиф этишган.

Д.Каракетова эса, безорилик жиноятининг содир қилган шахсларни ўрганиш асосида, “шахснинг ҳар қандай ижтимоий тоифаси индивиднинг эҳтиёж, қизиқиш, мақсади, йўналиши кабиларда ифодаланадиган ижтимоий муносабатларнинг умумлашган шаклидан бошқа нарса эмас, албатта. Шу маънода, бизнинг назаримизда, жиноятчи шахси тузилишида турли ижтимоий-психологик унсурлар мавжуддир. Тоифалаш асосида жиноятчи шахсининг турли йўналишларини ўрганиш мумкин, бу эса нафақат умумий тоифага, балки ўзига хос белгиларга эга муайян шахслар тоифасига нисбатан ҳам тегишли ҳисобланади[11]” деган хулосага келган.

Д.Файзуллаев эса, ёшлар орасидаги жиноятчилик, хусусан кибержиноятчиликка қарши курашишда ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил қилиш, уларнинг

киберсаводхонлигини оширишга эътиборини қаратиб, бундай жиноятларни содир қилган шахсларнинг шаклланишига интернетдаги турли салбий контентларнинг таъсирини кўрсатиб ўтган[12].

Р.Алтиев эса, фирибгарлик содир этган шахсда моддий манфаат кўриш, тезда бойиб кетиш, фойдали меҳнат билан шуғулланишни истамаслик, ўзгаларни ўз фикрига ишонтириш қобилияти юқорилиги каби хусусиятлари мавжудлигини кўрсатиб ўтган[13].

К.Миршаева аёллар томонидан ғараз мақсадда зўрлик ишлатиб содир этилаётган жиноятларини таҳлил қилиб, бундай жиноятларни содир этган шахсларда ҳар қандай йўл билан бўлсада, ўз мақсадига эришиш, бунда ноқонуний усуллардан фойдаланишдан ҳам тап тортмаслик, меҳнатсиз даромад топишга интилиш, мавжуд қонун-қоидаларни писанд қилмаслик билан бирга, жамиятда тобора аёлларга ҳаёт кечириш учун кўпроқ ҳаракат қилиш зарурияти кучаётганлиги, эркаклар томонидан оиласини ташлаб қўйганлик, уларни моддий таъминламаслик каби ҳолатлар ҳам ўз таъсирини ўтказётганлигини ҳам келтириб ўтган[14].

М.Ўразалиев умуман олганда ижтимоий салбий ҳодисаларнинг жиноятчиликка таъсири, шу жумладан оиладаги муҳит, ичкиликбозлик, бефарқлик, зўравонликни, беҳаёликни тарғиб қиладиган, бундай ҳолатларни намоиш қиладиган материалларнинг кшпайиб кетаётганлиги жиноятчи шахси шаклланишига таъсири масалаларини тадқиқ қилган[15].

3. Иброҳимова оилага қарши жиноятлар содир этган шахсларнинг шаклланишида оиладаги муҳит, маҳалла, таълим муассассининг болалар тарбиясидаги иштирокидаги камчиликларни келтириб ўтган[16].

С.Хўжакулов, жиноятчиликни олдини олиш, шу жумладан вояга етмаганларда ғайриижтимоий хулқ шаклланишининг олдини олишда ички ишлар органлари вазибаларини таҳлил қилган[17].

Исмаилов И., Миразов Д. М., Мухторов Ж. С.лар ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини таҳлил қилиш жараёнида шахсда ғайриижтимоий хулқ-атворни шакллантирувчи омилларни кўриб чиқиб, уларни олдини олиш бўйича таклифларни билдиришган[18].

Биз юқорида келтирилган келтирилган олимларимиз фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, тадқиқот доирасида ёшлар томонидан содир этилган кибержиноятларга оид 300 дан ортиқ суд ҳукмларини таҳлил қилдик ва ушбу таҳлил асосида, бундай жиноятларни содир қилган шахсларнинг криминологик портретини тасвирлашга ҳаракат қилдик. Ўрганилган давр 2020-2025 йилларни ўз ичига олади. Суд ҳукмлари Суд ҳужжатларини интернетда чоп этиш (<https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>) платформасидан олинди. Бунда айнан,

судланувчилар 30 ёшгача бўлган ишлар ажратиб олинди. Айрим жиноятлар бир гуруҳ томонидани содир қилиниб, улардан айримлари ёшларни ташкил қилган ишларда ҳам айнан ушбу ёшларга оид маълумотлар таҳлил қилинди. Жами 385 нафар шахсга оид маълумотлар таҳлил қилинди.

Судланганларнинг 91%ни эркаклар, 9% ни аёллар ташкил қилган. Умуман олганда бошқа жиноятлар каби бу жиноятларда ҳам анъанавий равишда эркаклар улуши анча юқори бўлсада, аммо кейинги вақтларда аёлларнинг ҳам улуши кўтарилиб борилаётганлигини кузатиш мумкин. Буни ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларига эга ёшларнинг сони ортаётганлиги, тўлов хизматлари бўйича мобиль иловаларнинг кўпаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Судланганлардан 42% оилали бўлса, 58 % оила қурмаганларни ташкил қилди. Оилали бўлмаганларнинг сони кўплиги асосан тадқиқотимизда ёшлар ўрганилганлиги билан изоҳланади. Жиноятчиликни олинди олишда оиланинг, ота-оналарнинг фарзанда тарбиясидаги роли ҳам муҳим. Жиноятчиликни олдини олишда бироқ юқори ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим тамойиллардан бири – бу жамиятдаги, жумладан, оиладаги ижтимоий назорат омилдир. Бугунги кунда, афсуски оилада ота-оналар фарзандлар билан мулоқот, сўров, тинглаш, маслаҳатларни таҳлил қилиш орқали дунёқарашини шакллантиришга вақт ажратишмаяпти.

Бугун ота-оналар ўз вақтини қийинчиликларсиз шоҳона ҳаётга эга бўлишни тараннум этувчи хориж сериаллари, жамиятда тарбия ва миллий маънавиятдан устун қилиб кўрсатилаётган мазмунсиз шоулар ва кўрсатувлар ҳамда жиноятчилик, илмсизлик, адолатсизликка қарши курашишдаги саёз сценарийларга, хориж мафкурасига асосланган кўчирма ўзбек сериалларига сарфламоқда.

Кўпчилик вақтини телефон ва интернет ҳамда ижтимоий тармоқлардаги асосланмаган ўткинчи маълумотларга сарфлаяпти. Таъкидлаганимиздек, оилада ва тарбия масканларида ёшларнинг жиноятчиликдан йироқ бўлиб шаклланишидаги энг мақбул йўл – бу ижтимоий назоратдир.

Маълумот даражаси бўйича ўрта маълумотга эгалар 26%ни, ўрта махсус маълумотга эгалар 42%ни, тугалланмаган олий маълумотлилар 14,5%ни, олий маълумотлилар 17,5%ни ташкил қилади. Ушбу тадқиқот доирасида картадан пул ечиб олиш, туҳмат, ҳақорат, шахга доир маълумотларни ошкор қилиш, таъқиланган материалларни тарқатиш каби кибержиноятларни асосан ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга шахслар содир қилганлиги, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, криптоактивлар айланмаси билан боғлиқ жиноятларни эса кўпроқ тугалланмаган олий маълумотли ёки олий маълумотли шахслар

содир қилганлиги кузатилди. Бу эса, ўз-ўзидан мураккаброқ, ахборот технологиялари соҳасида билими кучлироқ бўлган шахсларда аниқланиши, очилиши қийин бўлган кибержиноятларни содир этиш имкониятлари кенгроқ бўлишини кўрсатади.

Жиноятни содир этишга кўп ҳолларда ишсизлик сабаб бўлиши аниқланди. Ўрганилган ишларда судланувчиларнинг 63% вақтинча ишсиз эканлиги, 3,5% тадбиркор, 7% яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар, 8% корхона ва ташкилотларда оддий ишчилар, 5% давлат фуқаролик хизмати ходимлари, 8% ўзини ўзи банд қилган шахслар, 7% талабалар эканлиги аниқланди.

Ишсизлик ҳар доим жиноят, айниқса моддий манфаат кўришга қаратилган жиноятларнинг сабаби бўлиши исботланган ҳодиса ҳисобланади. Мамлакатимизда ишсизликни камайтириш, аҳоли бандлигини ошири бўйича ислохотлар изчиллик билан олиб борилаётган бўлсада, аммо таклиф этилаётган лавозимлар бўйича иш ҳақи миқдорининг камлиги ёшлар томонидан бундай касб ёки лавозимларда ишлашни ҳоҳламасликларига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, дунёда ёшлар томонидан жисмоний меҳнат талаб қиладиган касбларда ёшларнинг ишлашни ҳоҳламасликлари каби тенденция мамлакатимизга ҳам кирииб келган бўлиб, тадқиқотимиз объекти бўлган кибержиноятларни содир қилиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларига эга шахсларнинг аксарияти ҳам жисмоний меҳнат қилишни ҳоҳлашмайди.

Ушбу жиноятлар учун илгари судланганлик ҳолати юқори эмаслиги кузатилди. Ўрганилган шахсларнинг 45% илгари судланмаган, яъни жиноятни биринчи марта содир қилган шахслардир, 8,7% илгари бир марта судланган, 7% илгари 2 марта судланган, 5,3% илгари 3 ва ундан ортиқ марта судланган шахслардир (илгари 5 ва 6 марта судланганлар ҳам мавжуд). Аммо, йиллар кесимида қараганда илгари судланган шахсларнинг кибержиноят содир этишлари ҳолатлари кўпаётганлигини кузатиш мумкин. Бу кибержиноятлар нисбатан янги жиноятлар эканлиги билан ҳам изоҳланади. Шу билан биргаликда, биз бундай жиноятлар учун судланган шахсларнинг қайта айнан шундай жиноятлар содир қилишлари ортиши мумкинлигини ҳам истисно қилмаймиз. Ишнинг биринчи бобида кўриб чиққанимиздек, 31,5% ҳолатда ЖК 57-моддаси (енгилроқ жазо тайинлаш) қўлланилиб, ЖК Махсус қисми моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазо тайинланган. Суд амалиётидан мисол.

Судланувчи, 22 ёш бўлишига қарамасдан муқаддам 3 марта судланган ЖК 168-моддаси учинчи қисми “г” банди билан айбланган У.Ш. 5 та эпизод бўйича судланган[19]. У айбланган модданинг тегишли қисми санкциясида базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ

тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқукдан маҳрум этилган ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлсада, суд ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланлаган.

Бу эса, бундай жиноятларни қайта содир этилиши эҳтимолини ҳам кучайтириши мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди.

Жиноят нима сабабдан содир этилганлиги, унинг содир қилган шахснинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўрганилган суд ҳукмларида судланувчининг жиноят содир этиши сабаблари сифатида моддий манфаат 80,7%ни, ўч олиш, пасткашлик каби ҳолатлар 12,3%ни, бошқа сабаблар (жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тарқатиш, ёлғон маълумотларни тарқатиш) 7%ни ташкил қилганлиги аниқланди. Суд ҳукмларининг аксариятида моддий манфаатдорлик, ғараз ниятда содир қилинганлиги кўрастилган бўлсада, унинг асл сабабларини чуқурроқ тадқиқ қилиш лозим. Юқорида биз, кўриб чиқиладиган жиноятларни содир қилган шахсларнинг 63% ишсиз эканлиги аниқланганлигини баён қилган эдик, ўз-ўзидан ишсиз бўлган шахсларнинг кун кечириш, оиласини таъминлаш учун даромад қилишга бўлган интилиши кучли бўлади ва бу баъзан қонунни бузиб бўлсада, амалга оширишга ҳаракат қилинади. Шу сабабдан ҳам аксарияти ишсиз бўлган шахсларнинг жиноят содир этиши асосида моддий манфаат ётиши ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

Шу билан биргаликда, бундай жиноятлар келиб чиқишига аҳолининг кейинги вақтларда оқибатини ўйламасдан, бирор-бир бизнесни амалга ошириш эмас, балки тадбирлар (масалан тўй қилиш), автомашина, маиший техника сотиб олиш учун кредит ва бўлиб тўлаш (рассрочка) олишлари, натижада тўловларни ўз вақтида тўлай олмасликлари ҳам уларни моддий жиҳатдан қийин аҳволга солиб қўйганликларини кўриш мумкин. Масалан, бир иш бўйича судланувчи ЖК 169-моддаси (ўғрилиқ) учинчи қисми “б” банди билан айбланган М.Ҳ. (аёл) жиноятни содир қилишининг сабаби сифатида “Гарант”, “Ишонч”, “Узум насия” ва “Тасанно” кредит дўконларидан кредит қарздорлиги борлиги сабабли, ўша кредит қарздорликларни ёпиш учун нотаниш бўлган фуқарога тегишли бўлган пластик картадаги пулларни ўша қарздорликлари учун тўлаб юборганини билдирган.

Бундай ҳолатлар аҳоли ўртасида молиявий саводхонлик даражаси етарли эмаслиги сабабли, уларнинг кредит, насия савдо каби иқтисодий механизмлардан нотўғри фойдаланиши ва моддий жиҳатдан қийналиб қолиши, натижада турли жиноятлар содир этилишига олиб келаётганлигини кўрсатмоқда. Шу сабабдан ҳам мамлакат миқёсида молиявий саводхонлик дастури қабул қилиниши ва у аҳолининг барча қатламлари учун тушунарли тарзда амалга оширилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Жиноятни содир этиш усуллари ҳам ўрганилди. Ўрганилган ишларнинг 30%ида банк картасидан пулни ечиб олиш, 16% ўзгалар номига онлайн кредит расмийлаштириш, 9% шахсга доир маълумотларни ошкор қилиш, 5,5% таъқиқланган материлларни тарқатиш, 5,5% компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, 2% компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, 9% компьютер ахборотини модификациялаштириш, 7% зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, 2% телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, 10,5% крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш, 3,5% майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш орқали содир этилган.

Юқоридаги таҳлиллар кибержиноятларнинг аксарияти ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, яъни киберўғрилиқ ва киберфирибгарлик ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу жиноятларнинг кўп содир этилишининг бир қанча сабаблари аниқланди.

Биринчидан, банклар томонидан онлайн кредит беришнинг кенг тарқалганлиги ва бу жараёнда шахсни идентификация қилиш жараёнидаги камчиликлардир. Бироқ сўнгги вақтларда мамлакатимизда бундай камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундай чора-тадбирларга, онлайн кредит ажратишда шахсни идентификация қилиш жараёни такомиллаштирилганлиги, яъни кредит расмийлаштириш жараёнида шахсининг юз тасвирининг бўлиши мажбурийлиги тартиби ўрнатилиши ҳисобланади. Яна бир муҳим ҳолат бу шахсларнинг ўз номига кредит олинишини таъқиқлаб қўйиш тартибининг жорий этилиши бўлди. 2025 йил 4 мартдаги қонунга[20] биноан “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига жисмоний шахсларнинг улар билан кредит битимларини тузишга доир тақиқ белгилашга ва уни олиб ташлашга бўлган ҳуқуқларини, уларни кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритишнинг тартиби ва шартларини, шунингдек кредит ахборотидан фойдаланувчиларнинг белгиланган тақиқни бузган ҳолда кредит битимини тузганлик учун жавобгарлиги белгиланилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Эндиликда ҳар бир шахс давлат хизматлари орқали ўзини номига кредит олинишини таъқиқлаб қўйиши ҳуқуқига эга бўлди, бундай тақиқ кредит ахборот алмашинуви тизимга киритилиб, шахсга нисбатан кредит ажратиш сўралганида, у кредит ажратувчи банкларга кўриниб туради ва бошқаларнинг ўзгара номига кредит олишининг олдини олади. Бу эса, ўзгалар номига онлайн кредит олиш ҳолатларини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, шахсларнинг ўз шахсий маълумотлари, жумладан телефон рақамлари, банк картаси рақамларини сақлашга бўлган эътиборсизлиги, билимсизлиги ҳам бундай жиноятлар кўп содир этилишига сабаб бўлмоқда. Ўрганилган ишлар таҳлили ўз телефонини бошқаларга беришда тегишли ҳимоя чораларини кўрмаганлиги, ишлатилган мобиль телефонни янгисини олиш муносабати билан сотганида ёки ташлаб юборганида ундаги маълумотларни ўчирчиб юбормаганлиги, турли зарарли дастурлар, ҳаволаларни юклаб олганлиги, фирибгарлик тузоғига тушиб, банк карталари рақамларини бериб юбориши ҳам кибержиноятлар қурбонига айланишига сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунчиликка мувофиқ, шахсга доир маълумотлар базасининг оператори (оператор) ва шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори (мулкдор) бундай маълумотларни сақланиши учун етарли шарт-шароитларни таъминламаганлиги, бундай ахборотлар чиқиб кетишини олдини олиш учун киберхавфсизли чораларини кўрмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Айниқса, банкдаги ходимларнинг ўзлари, банк мижозлари маълумотларидан фойдаланиб, уларнинг номига эгалари хабари бўлмаган ҳолда кредит расмийлаштириши, банк карталаридан пулларини ечиб олиши, ҳоким ёрдамчилари томонидан ўзгалар номига кредит расмийлаштирилиши ҳолатлар кўп учради. Суд амалиётидан мисол.

Судланувчи Т.Ж. ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида, 2022 йил май ойидан июль ойига қадар АТ “Х. банки” Х. филиалида иш ўрганувчи сифатида юриб, банк ичкарасидаги иш жараёнларини ўрганиб олиб, қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимидан фойдаланиб, 2022 йил 26 июнь куни ушбу банк мижози ҳисобланган С.К.нинг номига унинг хабарисиз 0000 0000 0000 0000 рақамли “HUMO” пластик картасини фаоллаштириб олиб, ҳисоб рақамга тушган С. К.нинг ойлик иш ҳақисини ўзи томонидан фаоллаштириб олиб, пластик карта орқали талон-тарож қилиб ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари ўзининг жиноий қилмишини такроран давом эттириб, ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида, 2022 йил август ойидан бошлаб АТБ “А.банк” Н. филиалида иш ўрганувчи сифатида юриб, банк ичкарасидаги иш жараёнларини ўрганиб олиб, қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимидан фойдаланиб, 2022 йил сентябрь ойларида ушбу банк мижози ҳисобланган Қ.С.нинг номига унинг хабарисиз 0000 0000 0000 0000 рақамли “UZCARD” пластик картасини фаоллаштириб олиб, 29.09.2022 йилдан 07.11.2022 йилга қадар бўлган вақт оралиғида жами 00.000.000 сўм пулларни Т.Д.нинг номига унинг хабарисиз фаоллаштириб олинган 0000 0000 0000 0000 рақамли пластик картасига кўчириб олиб, шундан сўнг ушбу пуллардан 00.000.000 сўм пулларни АТБ “А.банк” Н. филиали биноси ташқарисида

жойлашган банкомат орқали нақдлаштириб олиб талон-тарож қилган ва пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Т.Ж ўзининг жиноий қилмишини такроран давом эттириб, 2022 йил август ойидан бошлаб АТБ “А.банк” Н. филиалида иш ўрганувчи сифатида юриб, банк ичкарисидаги иш жараёнларини ўрганиб олиб, ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида, 2022 йил 28 ноябрь куни Нишон тумани XXX қўчаси 00-уйда яшовчи Х.М.нинг пластик картасига уланган телефон абонент рақамини ўчириб, ўрнига Э.Х.нинг хабарисиз унинг номига расмийлаштирилган телефон рақамини Х.М.нинг пластик картасига улаб, “РАҲМЕ” иловаси орқали Х.М.нинг пластик картасида бўлган пулларни талон-тарож қилиб ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган[21].

Битта амалиёт ўтага талабанинг шунча ишни қилиб юборганлиги, банкнинг ходимида бундай ишлар қилиш учун қанча имкониятлар борлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам, шахсга доир маълумотлар билан ишлайдиган ходимларнинг фаолиятини назорат қилиш механизмлари такомиллаштирилиши керак.

Шахсга доир маълумотларни ошкор қилиш усули билан содир этилган кибержиноятлар асосан, яқин қариндошлар, эр-хотинлар, собиқ эр-хотинлар ўртасида содир этилган бўлиб, кўп ҳолларда ўта шахсий, интим хусусиятга эга маълумотларни интернет ва ижтимоий тармоқларда тарқатиш йўли билан содир этилган. Шунингдек, айрим ёш қизларнинг интернет ёки ижтимоий тармоқлар орқали танишган шахсларга ўзларининг интим расмлари, тасвирларини юбориши ва натижада кибертовламачик қурбонига айланиши кузатилмоқда. Бу эса, яна бир бор аҳолининг интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти бўйича ишларни амалга ошириш долзарблигини кўрсатади.

Кейинги вақтларда сунъий интеллектдан фойдаланиб шахсларнинг тасвири ва овозини сохталаштириб, жумладан таниқли шахсларнинг тасвирларидан фойдаланиб, уларнинг номидан маълум бир хизматларни реклама қилиш, турли ресурсларга шахсий маълумотларни, телефон, банк карталари маълумотларини киритишга тарғиб қилиш орқали, фирибгарлик содир этиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Шу сабабдан ҳам, мамлакатимизда сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича тартиб-қоидаларни белгилаш фурсати етиб келди, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, кибержиноятларни содир қилган шахснинг криминологик портрети қуйидагича эканлиги таклиф этилмоқда:

Кибержиноят содир қилган ёш шахснинг криминологик портрети – бу асосан ишсиз, 18–30 ёшли, ўрта ёки ўрта махсус маълумотли эркак, кўп ҳолларда биринчи марта судланган бўлса-да, моддий манфаат учун қонунбузарликка қадам қўйган шахс. Унда

ижтимоий назоратнинг суғлиги, оила ва жамоатчилик таъсирининг камлиги, интернет муҳитида салбий таъсирларга мойиллик яққол кўзга ташланади.

Бундай шахслар учун профилактика ишлари – иш билан таъминлаш, молиявий саводхонликни ошириш, жамоат назоратини кучайтириш ва интернетда хавфсизлик маданиятини ривожлантиришга қаратилиши керак.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет. Б.62
2. Jones, Shayne E. & Miller, Joshua D. & Lynam, Donald R., 2011. "Personality, antisocial behavior, and aggression: A meta-analytic review," Journal of Criminal Justice, Elsevier, vol. 39(4), pages 329-337, July.
3. Hurezan, L., Turi, A., Ion, A. et al. Dark and bright personality dimensions as predictors of criminal behavior and recidivism. Sci Rep 14, 18565 (2024). <https://doi.org/10.1038/s41598-024-69288-5>
4. Bader M, Lilleholt L, Schild C, Hilbig BE, Moshagen M, Zettler I. Basic personality and actual criminal convictions. J Pers Soc Psychol. 2025 Apr;128(4):949-966. doi: 10.1037/pspp0000537. Epub 2024 Dec 12. PMID: 39666561.
5. Alexander T. Vazsonyi, Jakub Mikuška, Erin L. Kelley. It's time: A meta-analysis on the self-control-deviance link. Journal of Criminal Justice, Volume 48, 2017, Pages 48-63, ISSN 0047-2352, <https://doi.org/10.1016/j.jcrimjus.2016.10.001>.
6. Bryanna Fox, Matt DeLisi. Psychopathic killers: A meta-analytic review of the psychopathy-homicide nexus. Aggression and Violent Behavior. Volume 44, 2019, Pages 67-79, ISSN 1359-1789, <https://doi.org/10.1016/j.avb.2018.11.005>.
7. Robert Eme. Life course persistent antisocial behavior silver anniversary, Aggression and Violent Behavior. Volume 50, 2020, 101344, ISSN 1359-1789, <https://doi.org/10.1016/j.avb.2019.101344>.
8. Kleinewiese, J. (2020). Situational Action Theory and the particular case of settings including a group. European Journal of Criminology, 19(5), 1188-1204. <https://doi.org/10.1177/1477370820953088> (Original work published 2022)
9. Абдурасулова Қ.Р. (2024). Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси. Юрист ахборотномаси, 4(4), 22–31. Retrieved from <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/993>
10. Холов. А. Т. Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишининг олдини олишда профилактик чора-тадбирларнинг аҳамияти / А. Т. Холов // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ахборотномаси. – 2018. – № 2. – С. 59-60. URL:

11. Д.Каракетова. Безорилик ва безори шахсининг криминалогик тавсифи. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 2 (2021) / ISSN 2181-1415. Б.69-75
12. Файзуллаев, Д. О. (2024). Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифасидир. Центральное азиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления, 1(1), 117-123.; Файзуллаев, Д (2024) Кибержиноятчиликнинг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи. Central asian journal of multidisciplinary research and management studies 4(1), 120-125
13. Altiyev Razzoq Saidovich. Criminological characteristics of the personality of criminals, committing fraud. Journal of Law Research. 2020, special issue 3, pp. 171-179
14. Mirshaeva Kamola Olimovna. Criminological typology of crimes committed by women for senior purposes using violence. Journal of Law Research. 2023, 8 vol., issue 7, pp. 83-92
15. Ўразалиев М. Қ. “Жиноятчилик билан алоқадор бўлган ижтимоий салбий ҳодисаларнинг сабаблари ва уларнинг олдини олиш” Монография. // - Т.: ТДЮУ нашриёти, 2023 йил - 196 бет.
16. Иброҳимова З.С. Оилага қарши жиноятларни содир этишда жиноятчи шахсининг криминалогик тавсифи. Ўзбекистон миллий Ахборот агентлиги – ЎЗА илм-фан бўлими (электрон журнал). –Тошкент, 2021. Июль ойи сони. –Б 49-65
17. Хўжақулов С.Б. “Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари мисолида)”// док. дисс. афтореф// Т.: 2018.Б 20
18. Исмаилов И., Миразов Д. М., Мухторов Ж. С. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 128.
19. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 1-1401-2502/500-сонли жиноят иши бўйича ҳукми. <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>
20. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 4 мартдаги “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-1043-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/7417538>
21. Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг №1-1813-2301/58-сонли жиноят иши бўйича ҳукми. <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>.